

JAHON NAVOIY SHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

ТУРКИСТОНДА ТУРК МАФКУРАСИ ВА АЛИШЕР НАВОЙ

Санобар Тўллаганова,
Ф.ф.д.

Аннотация. Мақолада турк олими Тоҳир Шокирнинг турк мафкураси шаклланишида Алишер Навоининг ўрни масаласига багишланган кузатишлари ўрганилган. Тоҳир Шокир турк тафаккури тарихида из қолдирган М.Қошгари, Юсуф Хос Ҳожиб, А.Яссавий фаолиятининг Навоий даҳосига таъсири масаласига ҳам алоҳида ургу беради. Олим Навоий шахсиятини унинг ижоди билан бир бутунликда ўрганишини маъқуллайди. Олимнинг мақоласида турк тафаккури ва фикр адабиёти шаклланишида А.Навоининг ижоди миллат тарихида алоҳида саҳифа бўлиб қолиши очиб берилган.

Калим сўзлар: турк мафкураси, турк тафаккури, фикр адабиёти, А.Навоий, мутафаккир.

Abstract. The article examines the role of Alisher Navoi in the formation of the Turkish ideology of the Turkish scientist Tahir Shakir. Tahir Shakir also emphasizes the influence of M. Kashgari, Yusuf Khos Hajib, A. Yassavi, who left a mark in the history of Turkish thought, on Navoi's genius. The scholar favors studying Navoi's personality as a whole with his work. It is revealed that A. Navoi's work will remain a special page in the history of the nation in the formation of Turkish thought and thought literature.

Key words: Turkish ideology, Turkish thinking, literature of thought, A. Navoi, thinker.

Алишер Навоий ижоди дунё маданияти хазинасининг ёрқин саҳифаларидан бири саналади. Улуғ шоир ижодий мероси ўзлигини англаш ва камолга етиши йўлидаги инсоният қўлга кириткан улкан ютуқларидан бири ҳисобланади. Алишер Навоий ижодига қизиқиши, унинг асарларини тадқиқ этиш ва қайтадан нашр этиш, ўзга тилларга таржима қилиш дунё адабиётшунослигида энг муҳим масалаларидан бири бўлиб, навоийшунослик илми муҳим бир соҳага айланиб улгурган. Алишер Навоий ижоди барча замон ва турли маконларда ахли илмнинг эътиборини тортиб келган ва бу адабий тарихий жараён узоқ муддат давом этади.

XX асрнинг аввалида янги ўзбек адабиёти негизида миллий адабиётшунослик шаклланди. 1919 йилда Фитрат нашрга тайёрлаган “Инсоният ҳақинда Навоининг фикри” номли рисола босилиб чиқади. Китоб “Ҳайрат ул-аброр” достонидан олинган парчалардан ташкил топади. “Ўзбек адабиётидан намуналар” ҳам шу ҳаракатнинг амалий натижаларидан биридир. Туркистондаги маърифатпарварлар миллат истиқболи йўлида 1921-1927 йилларда бир қанча ёшларни Германияга ўқишига юборади. Улар орасида Тоҳир Шокир (Чигатой) ҳам бўлиб, унинг Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Махтумқули ва Абай ижоди билан боғлиқ бир

JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

канча мақолалари чоп этилган. Берлинда таҳсил олиб дунё маданияти билан таншиган Тоҳир Шокир сабоқни тугатиб Туркистонга эмас Туркияга қайтишга мажбур бўлади. Ватанда бўлаётган сиёсий-мафкуравий кураш, қатағон сиёсати ва юртга қайтган сабоқдошларининг аянчли қисмати унга дарс бўлади. Социология фанлари доктори профессор Тоҳир Шокир Розикбой ўғли умриннинг охиргача Анқарада яшаб, фаолияти давомида Туркистон қайғуси, миллий рух ва миллий маданият мавзусига эътибор қаратди. Тоҳир Шокир “Ёш Туркистон” номли журналда мудир вазифасида хизмат қиласди. Мазкур нашр дунёning турли бурчаклари: Германия, Туркия, Саудия Арабистони каби диёрлардаги муҳожирларни Туркистон билан боғлиқ янгиликлардан хабардор қилиб турган. Олим юртдан йироқда бўлса-да, аммо қалби Ватан ишқи билан банд эканлигини ижодий мероси мисолида кўриш мумкин.

Тоҳир Шокир ҳақида ўзбек матбуотида бир қанча мақолалар берилган¹. Навоийшунос олима Суйима Фаниева томонидан Тоҳир Шокирнинг “Туркистонда турк мафкураси ва Алишер Навоий” номли мақоласи 2011 йилда “Алишер Навоий ижодида миллий мафкура” номи остида ўзбек китобхонига ҳавола қилинган. 2022 йилда фидоий ва заҳматкаш олим Сирожиддин Аҳмад томонидан Тоҳир Шокирнинг “Танланган асарлар. (Туркистонда турк мафкураси ва Алишер Навоий) номли китоби нашр этилди”. Олим сўзбошида Тоҳир Шокир ҳақида қисақача маълумот бериб, унинг танланган мақолалари ҳақида шарҳ бериб ўтган.

Олим ҳазрат Навоий ижодига бағишлиланган мақоласида икки муаммони очиб беришни мақсад қиласди. 1. Туркистонда турк мафкураси. 2. Алишер Навоий ижоди ва туркий тафаккур масаласи. Олим Навоий феноменини очиб беришда туркий тафаккурнинг қадим илдизларига назар солади. Муаллиф таъкидлаганидек, “Алишер Навоийнинг миллий турмуш ва тарихимиздаги ўрнини бир даражага қадаргинада ойдин кўра биламиз учун миллий мафкурамиз, турмушимиз, адабиётимизнинг унга қадар кечирганларини” эслаб ўтиш лозим. Улуғ шоирнинг миллат тарихидаги ўрни ҳақида шундай ёзади “...бир чоғда миллий кураш байроғини ўртаға чиқсан, миллий тил ва турмушимизни таҳлиқадан қутқорган мутафаккир, буюк турк шайхи Аҳмад Ясавий бўлса, унга тўлук форум (форма)ни бериб муваффақият тожини кийдириб кетган-да Алишер Навоий эди”².

Олим турк улуси ва турк руҳи масаласи кесимида Туркистон тарихига назар солади. Туркистондаги туркликтининг Навоийгача бўлган маданий ва

¹ Турсиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. **Шарқ ўлдузи. 1992 йил, 10-сон; Алижонов М. Ватанга қайта олмаган Чигатой хикояси.** <http://oyina.uz/kiril/article/2048>.

² Тоҳир Шокир. Танланган асарлар. (Туркистонда турк мафкураси ва Алишер Навоий). Тошкент.; 2022. Info Capital Group.B.16.

JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

адабий даврининг йирик полотнасини яратади. Исломдан олдинги даврда халқ оғзаки ижодидан ташқари ёзма манбаларни Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луготи-т-турк” асари мисолида далиллайди: “миллий тарихимизнинг у даври сўнг асрлариндан бири саналуви лозим келган “Кутадгу билиг” ўзи бу жиҳатдин ҳеч бир шубҳага йўл қолдирмаслиқ бир шаклда қаттиятла исбот этмакдадир.”³ Олим “Кутадигу билиг”ни *миллий рух ва миллий тафаккурнинг тимсоли* деб баҳолайди. Навоийгача бўлган даврни Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий ижоди орқали кузатиб, миллий тил, миллий санъат, турк завқи қайғусида фикр юритиб “турк ҳарси ётлашмоқ таҳликаси остина туша бошлоғон ондаёқ бу тил ва ҳарснинг она юрти Туркистонда уни қўримоқ қайғуси” бошланди. Муаллиф Туркистонда араб халифати, тил сиёсати, динда миллийлашиш, мулоқот ва илмий тил араб тилига айланиб қолиш масаласи доирасида туркликни “қўришга” хизмат қилган адиллар меросини юқори баҳолайди. Олим “араблик таъсирини маъruz қолғон халқлар форслар” дея тарихдан сабоқ чиқаришга ундаиди. Форслар миллий қадриятлари негизида исломни миллийлаштиришга эришган халқлардан бири эканлигини таъкидлайди. Туркий қавм араб ва форс тили босими остида ўз руҳидан узоқлашиб кетаётган паллада Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавийнинг “кураш байроғини” қўтариб чиққанига ишора қилинади. Олим яна бир масалага эътибор қаратди. Ўрта Ислом маданияти даврида илм билан машғул бўлган “Туркистон турк фикр ва билим эрлари” бу кунда араб уламоси ёки олими сифатида тан олинади, дея куюнчаклик билан ёзади. Ёки форс “фикр адабиётини яратқон буюк турк қоблиятлари бу кун ажам” саналади. Араб ва форс фикр адабиётига эътибор қаратилса, “энг буюк ҳисса биз туркларга тушгани”ни олим мисоллар асосида кўрсатади. Ислом маданиятининг улуғлари Форобий ва Ибн Сино туркистонли турк эканлиги, ҳатто арабларга тилшуносликни ўргатган “возеъ лисон” ҳам турк эканлиги турк тафаккури илдизлари қадимга бориб уланишини тасдиқлайди. Навоийгача бўлган даврда форс тилининг таъсири ўсиб “миллий рух, миллий анъана, миллий ҳарс унсурларини” ўзига қарам қилиб олган эди. Мақолада турк саройлари “тамомила форсланди”, “ёт зеҳният” барча соҳани қамраб олганлиги, чингизийлар, салжуқийлар давридаги туркийларнинг ижтимоий мавқе ҳақида сўз боради.

Турклик руҳи, турклик фикр ҳазрат Навоийгача бўлган даврда тарихда қандай тўлқинларга учраганлигини муаллиф кичик мақола мисолида ёритиб

³ Тохир Шокир. Танланган асарлар. (Туркистонда турк мафкураси ва Алишер Навоий). Тошкент.; 2022. Info Capital Croup.B.17.

JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

беради. Навоийнинг ижодкор сифатида бўй кўрсатишида темурийларнинг хизматига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Олим шоирни Туркистон турклигининг исломиятдан кейинги “буюк миллатчиси ва бу кунги миллатчилигимиз негизини то у замон солиб бериб кетганбир мутафаккир мафкурачи ва курашchan миллатчи” деб атайди. У буюк файласуфни “Турк улуси” таъбирини қайтадан Туркистон турк саройи адабиётина киритишга муваффақ бўлди деб ёzádi. Навоий форс маданияти босими остида исломий ақида масалаларига ҳам жуда хушёрлик билан муносабатда бўлади. Олим диний жамоат масаласи ва миллий маданият орасидаги фарқни айтиб ўртага “қўйған ва уни илмий мафхумда изоҳ этишга илк урунғонда Навоийдир”дека улуғ шоир фаолиятининг ижтимоий-маърифий томонларига урғу беради. Темурийлар даврида турк саройида миллий туйғуни қониқтираслик даражада миллийлашиб “етмаган бўлуви керакки Навоий энг кўп ғайратини бу майдонда сарф этди”. Темур даврида “турк тили форс тилина қарши зафар қозонимишдир” деб ёzádi муаллиф. Олим А.Навоий даҳосининг тарих саҳнасида чиқишида қандай омиллар хизмат кўрсатганлигини асосли ва мантиқли далиллар ёрдамида очиб беради. Навоий маънавий шахсиятини амирлик, вазирлик ҳамда санъаткорлик нуқтаи назаридан таҳлил қиласи. Муаллиф шоир ижодий меросини тадрижий суратда изоҳлашга ҳаракат қиласи. Навоийнинг форс тилида машҳур бўлган асарларга манзума тарзда туркона ёзган битиклари номма-ном саналади. “Достони Баҳромгўр ва ё “Сабъай сайёра” Низомийнинг “Ҳафт пайкар” ном асарина туркча назирадир”. Навоий диний ҳукмлар масаласида ҳам қаътий тартибни мезон билган. “Арбаъин”, “Сирож ул муслимийн”да исломий асосларни туркчада ёзиб, “халқни динлаштирув ва диний миллийлаштирув” назариясини Яссавийдан сўнг шараф билан давом эттириди, деб таъкидлайди.

Алишер Навоий камтарлик билан “фикр адабиёти устозларини хурмат ила “ёзийларини таржума” деб қайд этади. Бу эса ёт зеҳнлиларга қўл келаб сўзни турли маънода қўллаб шоирни камситишга ҳаракат қилишди. Бертельс “Матиқ-ут-тайр” ва “Лисон-ут-тайр”ни қиёслаб шундай хулосага келади. “Аттордаги латиф фантазий (фантазия) ерина Навоийда мантиқ кечди. Атторда ўлдуқча заиф кўринган дидактик тамойили Наовийда даҳо кучлу, даҳо сарих (аниқ, ойдин) кўрунди” дея орадаги айримани очиб берганлигини олим мисоллар ёрдамида ёритиб беради. Навоий турк “руҳина уйғун аҳлоқий-фалсафий” асарлар ёзиб “форс руҳина, риндий фалсафа”га эргашмади. Шоир бутун фаолияти давомида миллий мафкуруни шакллантиришга, “турк руҳи, турк ранги, турк фикр адабиёти” ни “якқалам” қилишга интилди ва муваффақият қозонди. “Иймони заифлашиб кетган сарой доираси мияларини тозалаб тўғру

JAHON NAVOIYSHUNOSLIGI: KECHA VA BUGUN mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

миллий йўлға солмоқчи” бўлди ва мақсадига етди. Навоий “Муҳокамат ул луғатайин” асарида икки тилни қиёслаб, форс тилини камситмаган ҳолда “илмий ҳақиқат” орқали турк тилининг имкониятларини асослаб берди.

Олим Алишер Навоий турк тилини “ёт таъсирдан тозаладифи”, турк санъати ва турк маданиятини “ҳақириликдан қуртариб” мавқеини кўтаришга хизмат қилди. Шоир асарлари билан танишиш истагида ўзга тилдаги олимлар унинг асарлари орқали турк тили оҳанглари билан танишди. Навоий турк тафакури ва миллий туйғуларни асарларига сингдирган улуғ мутафаккир сифатида миллат тарихида алоҳида саҳифа бўлиб қолади. Тоҳир Шокирнинг мазкур мақоласи фикр изчил тарзда берилиши, мантиқий мушоҳадаги бойлиги билан аҳамият касб этади. Олимнинг Навоий шахсиятини бутун қирралари билан очиб беришга қаратилган ёзилмаси навоийшуносликда ўзига хос ўрин тутади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Шарқ юлдузи. 1992 йил, 10-сон;
2. Алижонов М. Ватанга қайта олмаган Чигатой хикояси.
<http://oyina.uz/kiril/article/2048>.
3. Тоҳир Шокир. Танланган асарлар. (Туркистонда турк мафкураси ва Алишер Навоий). Тошкент.; 2022. Info Capital Croup.